


ХИТОЙДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ РИВОЖЛАНИШДА САЙИИД АЖАЛНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-539-546

Каунбаев Мирзабадал

Тошкент давлат шарқшунослик университети, Хитой филологияси кафедраси
катта ўқитувчиси
qingizhan@yahoo.com

***Аннотация.** Ушбу мақола, ўрта асрларда Хитойга ҳижрат қилган ва у ерда ислом динининг тарқалишига катта ҳисса қўшган давлат арбоби, уламо Саййид Ажал Шамсуддин Умар Камалиддин ал – Бухорийнинг (1211-1279йй.) ҳаёти ва фаолияти ҳақида. У мадраса, меҳрибонликуйлари, ҳамда масжидлар қурилишига бош-қош бўлиш билан бирқаторда, конфуций мактаблари ва будда ибодатхоналарини қуриш ва таъмирлаш ишларида ҳам жонбозлик кўрсатган. Мақолада Саййид Ажалнинг бошқа дин вакилларига ҳам ҳурмат билан қараганлиги тарихий фактлар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, мақолада Саййид Ажалнинг Хитойда исломни тарғиб қилишига оид ҳаракатлари ҳам манбалар асосида очиқ берилган.*

***Калим сўзлар:** Саййид Ажал, мўғуллар, Юан сулоласи, Бухоро, масжид, ислом қоидалари, амалдор, сиёсат, солиқ, мактаб, ибодатхона, даругачи, вазир, император.*

***Abstract.** This article is about Sayyid Ajall Shams al-Din Umar Kamal al-Din al-Bukahari (1211-1279), Muslim statesman, who made a significant contribution to the spread of Islam in China. On the one hand, he founded madrasas, mosques and charity homes in China, but on the other hand he supported building of Buddhist temples and Confucius schools. In this article, Sayyid Ajall's activities in spreading Islam and his respect for other religions are described based on accounts of primary sources.*

***Keywords:** Sayyid Ajal, Mongols, Yuan dynasty, Bukhara, mosque, Islamic rules, official, politics, tax, school, temple, darugachi, minister, emperor.*

Илк ўрта асрлардаёқ одамлар ҳозирги Ўзбекистон худудидан ҳар хил сабабларга кўра мўғуллар сулоласи Юан ҳукмронлик қилган юртларга, яъни Хитойга ҳам ҳижрат қилишган. Бу муҳожирлар орасида обрў топиб, юқори мартабаларга эришганлари ҳам бўлган. Уларнинг баъзилари Хитойда илм

фаннинг ривожига самарали ҳисса қўшган бўлсалар, баъзилари давлат бошқарувида хизмат қилиб, юқори мансабларни эгаллашган. Уларнинг кўпчилиги ҳақида устоз Аблат Хўжаевнинг “Буюк ипак йўли” номли китобида етарлича маълумот берилган.¹

Ушбу мақолада эса, Хитойга хижрат қилган ва у ерда ислом динининг тарқалишига катта ҳисса қўшган давлат арбоби, уламо Саййид Ажал Шамсуддин Умар Камолиддин ал-Бухорийнинг (1211-1279йй.) ҳаёти ва фаолиятини ёритишга ҳаракат қилганмиз. Мақолага Хитой тарихчи олимларининг тадқиқотлари билан бир қаторда ўрта аср мусулмон тарихчиси Рашидуддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ ат-таворих” асарини ҳам манба сифатида жалб этганмиз.

Хитой тарихчилари Ма Энхуй ва Джу Чангпингларнинг ислом динига эътиқод қилган тарихий шахслар ҳақидаги ҳикоялар тўпламининг – “Саййид Ажал” номли китобида² бир ривоят келтирилганлар. Унда айтилишича, Бухора дарвозаси очилиб тахминан ўн ёшли чиройли ва келишган болани етаклаган узун соқолли мўйсафид ва унинг орқасидан бир неча киши, мўғул қўмондони тиккан чодир томон яқинлашиб келарди. Қўриқчилардан бири бу ҳақда Чингизхонга дарҳол хабар қилди. Чингизхонни бундай хабарлар, – яъни қамал қилинган шаҳарлардан музоқора олиб борувчи вакиллар ташрифи билан ҳайрон қолдириб бўлмасди албатта. Лекин, бола ва бола етаклаган мўйсафид уни ҳайратлантирган эди. Мўйсафиднинг исми хитой манбаларида Кулумадин³ (苦鲁马丁 “кулумадинг”) – шаклида учрайди. Аслида Ғуломиддин ёки Камолиддин бўлса керак. Чингизхон хонларга хос одат бўйича, уларни, жумладан “кичик” меҳмон, болакайни қарши олгани чодир олдига чиқади. Уларнинг мақсади бошсиз қолган Бухоро халқини қирғиндан, шаҳарни вайронагарчиликдан сақлаб қолиш учун, урушсиз таслим бўлишга тайёр эканликларини Чингизхонга баён қилиш эди.

¹ Аҳад Ходжаев. Буюк Ипак йўли: муносабатлари ва тақдирлар. Тошкент, 2007йй. 235-236 б.

² 马恩惠, 朱昌平. 回族历史人物故事丛书. 赛典赤-瞻思丁. 宁夏人民出版社. 1996年. [Ма Энхуй, Джу Чангпинг. Хуйзу

лиши жэн-у гу-ши сунг-шу. Сай Диан Чи Джан Си динг. Нинсиа жэнмин чубаншэ. 1996ниан. – Ма Энхуй, Джу Чангпинг. Мусулмон тарихий шахслар ҳақида ҳикоялар тўплами – “Саййид Шамсиддин”. Нинсиа халқ нашриёти.

1996йй. 46.]

³ 马恩惠, 朱昌平. 回族历史人物故事丛书. 赛典赤-瞻思丁. 宁夏人民出版社. 1996年. [Ма Энхуй, Джу Чангпинг. Хуйзу

лиши жэн-у гу-ши сунг-шу. Сай Диан Чи Джан Си динг. Нинсиа жэнмин чубаншэ. 1996ниан. – Ма Энхуй, Джу Чангпинг. Мусулмон тарихий шахслар ҳақида ҳикоялар тўплами – “Саййид Шамсиддин”. Нинсиа халқ нашриёти.

1996йй. 46.]

Бухоронинг таслим бўлиши ҳақида Рашидуддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ ат-таворих” асарида шундай берилган: “Чингизхон лашкари 617 йили Муҳаррам ойининг биринчи кунлари (март 1220) Бухоро шаҳри қалъаси атрофида чодир қуриб жойлашган эди.

Бухора шаҳрида йигирма минг кишидан иборат қўшин бор эди. Уларнинг қўмондони Кук-хон бошчилигида ва яна амирлардан Хамид пур Таянгу, Суюнч-хонлар ўз жонларини сақлаб қолиш мақсадида, кечаси ўзларига яқин кишилар билан қалъани тарк этишди. Улар Жайхун соҳилига етганда, душман соғчилари уларга хужум қилиб, уларнинг бор изларини йўқлик шамолига совурди.

Эртаси куни тонг отганда, аҳоли шаҳар дарвозаларини очдилар, Имом ва илмли аҳли вакиллари, Ҳазрати Олийларига куллик ифодаси билан келдилар”.⁴

Ибн ал-Асир “Ал-Камил фи-т-та’рих” асарида, “Эрталаб шаҳар аҳолиси ўзлари билан биронта ҳам аскар йўқлигини кўриб, руҳлари тушиб, қози Бадр ал-дин Кади-хонни аҳолига раҳм-шафқат қилишини сўрагани Чингизхон олдида чиқарди”.⁵

Ала-ад-Дин Ата_Малик Жувайнийнинг “Тарихий Жаҳон Гўша”⁶ асарининг рус тилидаги таржималарида Бухорони босиб олишдан олдин Чингизхон билан сулҳ тузгани чиққан шахслар ҳақида маълумот топа олмадик.

Аблат Хўжаев ўзининг “Буюк Ипак йўли” рисоласида Юанши (“Юан тарихи”) ва замонавий хитой тарихчилари асарларига таянган ҳолда, шундай деган: “Хитой манбаларида унинг исми Сайдянчи, Сайдианҷи, Сайтянжи, Умаэр, тарихий адабиётларда Сайдянчи Шансидин (Ajjal), отасининг исми Камолиддин (Кумулудин), бувасининг исми Саййид Шамсиддин (Сайдянчи) Бухоронинг катта амалдори бўлганлиги ҳам қайд этилади”⁷.

Чингизхон Бухорони эгаллаганларидан сўнг, бухороликлар халқни қирғиндан сақлаб қолиш мақсадида Умарнинг буваси Саййид Шамсиддин бошчилигида мўғилларга таслим бўлишга мажбур бўлган⁸.

⁴ Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Москва – Ленинград, 1952г. Том I. книга вторая стр.205.

⁵ Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. («Польный свод истории» Избранные отрывки.) Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г.Булгакова. Ташкент-Цюрих, 2005, стр. 362.

⁶ ЧИНГИСХАН история завоевателя мира. Записанная Ала-ад-Дином Ата-Малеком Джувейны.

Первод с текста Мизры Мухаммеда Казвини на английский язык Дж.Э.Бойла. Перевод текста с английского на русский язык Е.Е.Харитоновой.

⁷ А.Хўжаев. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007й. 235-236 б.

⁸ А.Хўжаев. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007й. 235-236 б.

Саййид Ажал Умар – машхур давлат ва дин арбоби, сиёсатчи. Қисқа вақт ичида Юан мўғиллар сулоласи (1271 – 1368йй.) солиқ сиёсатига ислом қонунларига асосида ўзгартиришлар киритишга эриша олган иқтисодий ислохатчи. У XIII асрда Хитойда қурилган қатор тарихий ёдгорликлар, тўғон ва каналларнинг ташаббускори ҳамда муаллифи.

Саййид Ажал Бухорода 1211 йили Мухаммад пайғамбарнинг ўттиз биринчи авлоди⁹ оиласида дунёга келган. У ўн тўққиз ёшидан бошлаб Юан сулоласи императори ишончини қозона олган ислом динига эътиқод қилувчи давлат арбобларидан эди. 1230 йилда У Император томонидан учта вилоят, яъни Фэнг, Цзин ҳамда Юнней вилоятларига ҳоким этиб тайинланиб, “Даругачи” унвони берилди. Бу унвонни Юан сулоласи даврида фақат мўғул, араб, Эрон, Ўрта Осиё, Кавказ ва Россия халқ вакилларида бўлган, ҳамда жангларда ўзини кўрсата олган давлат амалдорларигина эгаллай олган. Саид Ажалнинг давлат амалдори сифатида эришган ютуқларига бирма - бир тўхталсак:

1. Саид Ажал Умар ҳокимлик қилган ҳудудларда ижтимоий тартиб ўрнатиб, ўғри ва қароқчиларнинг босқинчиликларига барҳам берди. Ерлик амалдорларнинг товламачиларига қарши курашиб, аҳоли қарзлари ўрнига уй жониворларини тортиб олишига, беҳақ меҳнатга чек қўйди, ҳамда қочоқларни ўз уйларига қайтарди. Юннан вилояти аҳоли учун «эркин бозорлар» ташкиллаштирди ва император Тайзунг¹⁰ тахтга ўтириши арафасида жорий қилган «Кайи» сиёсатини амалга оширди.

2. У қуйидаги унвонларга эга бўлган: «Буюк Вазир», «Буюк генерал», «Вафодор Шахзода Сянган».

3. Молия Вазири, ҳамда йигирмадан кўп миллат ва элат истиқомат қиладиган Юннан вилояти ҳокимлиги даврларида, вилоят ҳукумат бошқарув ва солиқ солиш тизимига нисбатан ислом қоидалари асосида катта ўзгартиришлар киритди. Улар қуйидагилар:

- юз от учун бир бия;
- юз сигир учун бир ғунажин;

⁹ 马恩惠, 朱昌平. 回族历史人物故事丛书. 赛典赤-瞻思丁. 宁夏人民出版社. 1996年. [Ма Энхуй, Джу Чангпинг. Хуйзу

лиши жэн-у гу-ши сунг-шу. Сай Диан Чи Джан Си динг. Нинсиа жэнмин чубаншэ. 1996ниан. – Ма Энхуй, Джу Чангпинг. Мусулмон тарихий шахслар ҳақида ҳикоялар тўплами – “Саййид Шамсиддин”. Нинсиа халқ нашриёти.

1996й. 46.]

¹⁰ Тайзунг – Хубилайхон (1215й. – 1294й.) Юан сулоласи асосчиси.

юз кўй ёки эчки учун бир кўй (Саййид Ажал Умар Шамсиддин ҳоким бўлганига қадар бутун хитойда ҳосилдан тенг ярми солиқ сифатида тўланган);
– кўп миллатли вилоятда миллатлараро тотувликни барқарор топтирди;
вилоят ҳукумати ҳисобидан ҳар хил миллат вакиллари учун мактаблар очди;

етим болалар ва қариялар учун меҳрибонлик уйлари ташкил қилди;
чўл ҳудудларни ўзлаштириш учун махсус сиёсат юритиб, яъни ҳукумат маъмуриятида қайд этилмаган жойлар учун алоҳида солиқ тизимини ишлаб чиқиб, император рухсатини олишга эриша олди;

канал, кўприк, сув омбор ва йўллар қурдирди, у қурдирган иншоотларнинг айримлари ҳозирги даврда ҳам фойдаланилмоқда¹¹;

Кунминда икки масжид, бир неча конфуций мактаблари қурдирди ва будда ибодатхоналарини таъмирлатди. Кунминдан узоқ бўлмаган Келижуанг қишлоғида яна бир масжид қурдирди.

4. Бутун ҳаёти давомида ўн иккита масжид қурилишида ҳамда Юан сулоласи давригача қурилган бир неча масжитларнинг таъмирланишида бош қош бўлди.

5. Саййид Ажал Умар вафотидан тахминан 80 йил ўтгач, Юан сулоласи ўрнига янги Минг сулоласи келди. Ҳокимиятни эгаллаган Минг сулоласининг асосчиси, ҳамда биринчи императори Чжу Юангжанг Саййид Ажалнинг иззат ҳурматини жойига қўйган ва шундай деган: «Шохзода Сянганг, яъни Саййид Ажал Юннан вилоятини бошқарган даврда эришган ютуқлари учун тақдирланиши керак. У очган мактаб ва меҳрибонлик уйлари ҳақида халқ билиши ва доим эслаши лозим. Юннан вилоятида у ташкил қилган маъмурият бошқарма, ҳамда бўлинмаларининг бирортасини бекор қилмайман”. Мен Минг сулоласи ҳукмдори буйруқ қиламанки – “Одамлар баҳорда ҳам, кузда ҳам марҳумга ўз ҳурматларини ифода этишлари учун Саййид Ажалга бағишлаб макбара қурилсин. Унинг халққа бўлган меҳрибонлиги ва хизмати шундай тақдирланиши керакки, унинг номи умр боқий бўлсин”¹².

Минг сулоласи императори Чжу Юанджанг, Саййид Ажал каби мусулмон амалдорларнинг императорга ҳалол ва вафо билан хизмат қилганини кўриб билган. Шунинг учун бўлса керак, у ўз сулоласини тиклашда 12 та мусулмон генералига суянган.

¹¹ Тўғон, канал.

¹² Li Qing Sheng. A critical biography of Sayyid Ajall Omer Shams Al-Din. Yunnan Ethnic Publishing House. 李清升. 赛典赤瞻思丁评传. 云南民族出版社, 1998. [Ли Чингшэнг. Сай Дианчи Шамсидинг пингджуан. Юннан минзу чубанши, 1998. Ли Чингшэнг. Саййид Шамсиддин танкидий таржимаи хол. Юннан миллат нашриёти. 1998й.]

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, Саййид Ажал Умар Шамсуддиннинг бунчалик муваффақиятларга эришганлигининг асосий сабаблари қуйидагилар десак, янглишмасак керак:

Саййид Ажал нафақат иқтисодий билимларни, балки Ислом қонунларини мукаммал билган. Хусусан закот ва вақф қоидаларидан чуқур билимга эга бўлган.

У мактаб, меҳрибонлик уйлари, ҳамда масжидлар очиш билан бир қаторда, конфуций мактабларини, будда ибодатхоналарини қурилиш ва таъмирлаш ишларда жонбозлик кўрсатганлигини унинг бошқа дин вакилларига ҳам ҳурмат билан қараганлигини аңлатади.

Қадимда, асосан ўрта асрларда жуда кўплаб ўрта Осиёлик илм - фан, дин ва сиёсат арбоблари турли сабабларга кўра ватандан ташқари бошқа юртларда фаолият кўрсатган ва ўша жойнинг халқи маданияти, маърифати, меъморчилигига ва илм - фанига катта ҳисса қўшган. Саййид Ажал ҳам, Ўрта Осиё ва ислом маданиятини Хитойда тарғиб қилган аждодларимиздан биридир. Яна шуни айтишимиз керакки, унинг бешта ўғли бўлиб, улар отаси ўлимидан кейин юз йил давомида юқори мансабларда Хитой халқига хизмат қилган.

Ҳозирги даврда, яъни охириги қирқ йил давомида ХХР да амалга оширилаётган ислохотларни, бундан етти юз йил муқаддам бир ҳамюртимиз бошлаб бергани кишида фахр ҳиссини уйғотиши табиий, албатта.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. ИСЛОМ энциклопедия. Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. Т., 2017.
2. Абдул-Гази Бахадир-хан. Родословное древо Тюрков. Москва – Ташкент – Бишкек. стр.63-64.
3. Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Москва – Ленинград,. 1960г. Т.П. стр.186-193.
4. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. («Польный свод истории» Избранные отрывки.) Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г.Булгакова. Ташкент-Цюрих, 2005, стр. 362.
5. ЧИНГИСХАН история завоевателя мира. Записанная Ала-ад-Дином Ата-Малеком Джувейны. Первод с текста Мизры Мухаммеда Казвини на ангийский язык Дж.Э.Бойла. Перевод текста с анлийского на русский язык Е.Е.Харитоновой.

6. 二十五史. 卷十一. 元史. 661-663 页. 北京德富泰印务有限公司. 2011 年。
[Эрши-у ши. Дзуан ши-и. Юанши. 661-663 е. Бэйдзинг Дэфутай ин-у йўвсиан гунгси. 2011. Йигирма беш тарих. 11-жилд. Юан тарихи. 661-663 б. Пекин Дэфутай нашриёт компанияси. 2011й.]
7. 纳位信. 赛典赤-瞻思丁世家. 今日中国出版社. 1992. [На Вэйсин. Сай Дианчи Шан Сидинг шидзиа. Дзинжи джунгуу чубанше. 1992. На Вэйсин. “Сайид Шамсиддин авлоди таржимаи ҳоли”. Бугунги Хитой нашриёти. 1992.]
8. 马恩惠, 朱昌平. 回族历史人物故事丛书. 赛典赤-瞻思丁. 宁夏人民出版社. 1996 年. [Ма Энхуй, Джу Чангпинг. Хуйзу лиши жэн-у гуши сунгшу. Сай Диан Чи Джан Си динг. Нинсиа жэнмин чубаншэ. 1996ниан. – Ма Энхуй, Джу Чангпинг. Мусулмон тарихий шахслар ҳақида ҳикоялар тўплами. Сайид Шамсиддин. Нинсиа халқ нашриёти. 1996й. 4б.]
9. A critical biography of Sayyid Ajall Omer Shams Al-Din. By Li Qing Sheng. Yunnan Ethnic Publishing House. 赛典赤-瞻思丁评传. 李清升 – 著 .云南民族出版社, 1998. [Сай Дианчи Шансидинг пингджуан. Ли Чингшэнг. Юннан минзу чубанши, 1998. Сайид Шамсиддин танқидий таржимаи ҳол. Ли Чингшэнг. Юннан миллат нашриёти. 1998й.]
10. 余年生. 建省元勋 赛典赤-瞻思丁. 云南百位历史名人传记丛书. 宁夏人民出版社. 2019 年. [Юй Нианшэнг. Дзианшэнг юансун Сай Дианчи Шансидинг. Юннан байвэй лиши мингжэн джуандзи сунгшу. Нингсиа жэнмин чуианше., 2019. Юй Нианшэнг. “Вилоят асосчиси Сайид Шамсиддин” Юннандаги юз тарихий машхурларнинг таржимаи ҳоли китоблар тўплами. Нингсиа халқ нашриёти. 2019й.]
11. Khalmurzaeva, N. T., Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Mirzakhmedova, K. V. (2021). SPECIFICITY OF THE ACTION OF SILENCE IN JAPANESE COMMUNICATION CULTURE. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(08), 50-55.
12. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10
13. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.

-
14. ХАЛМУРЗАЕВА, Н. Т. (2014). РОЛЬ КАТЕГОРИИ ВЕЖЛИВОСТИ В РЕАЛИЗАЦИИ КОММУНИКАТИВНОЙ СТРАТЕГИИ В ДЕЛОВОМ ОБЩЕНИИЯПОНСКОГО ЯЗЫКА. In *Будущее науки-2014* (pp. 303-306).
15. AMANOV, K. (2015). TÜRKÇE RESMİ YAZI DİLİ TARİHİNİN FASILALARA AYRILMASI. *Electronic Turkish Studies*, 10(12).
16. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.